


## Муҳаммад Бекжонга СРЖ мукофоти топширилди



03 Mayıs 2014 - 9:27 ' да юкланди ва 1276 марта ўқилди.

Поделиться на Facebook Твитнуть

Поделиться на Google+



Муҳаммад Бекжоннинг қизи Ойгул Бекжон

Нью Йоркдаги Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси (СРЖ) 3 май - халқроқ матбуот эркинлиги куни арафасида Ўзбекистонда қамоқда қолаётган муҳолифатчи журналист Муҳаммад Бекжонни матбуот эркинлиги халқроқ мукофоти билан мукофотлади.

АҚШда бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида маросимида мукофотни Муҳаммад Бекжон номидан унинг қизи қабул қилиб олди.

60 ёшли Муҳаммад Бекжон 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир бўлган портлашларга алоқадорликда айбланиб, 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва бу муддат 2012 йилда тугаши керак эди. Аммо унинг қамоқ муддати узайтирилиб келинмоқда.

“Муҳаммад Бекжон 15 йилдан буён қамоқда қолмоқда ва у дунёдаги энг узоқ қамоқда қолаётган журналистларнинг бири”, дейилади Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитасининг 29 апрель куни эълон қилинган ҳисоботида.

28 апрель куни Вашингтонда уюштирилган “Матбуотни озод қилинг” номли кампания доирасида АҚШ Давлат Департаменти матбуот вакили Жэн Псаки Муҳаммад Бекжон тақдирига эътибор қаратганди.

- Унинг соғлиғига сўнгги 15 йил мобайнида жиддий путур етди. У ҳозир зудликда тиббий муолажага муҳтож. Ўзбекистон ҳукуматини зудликда унга тиббий ёрдамни кўрсатишга чақирамиз, - деганди Псаки.

Қароргоҳи Парижда бўлган “Чегара билмас мухбирлар” ташкилоти февраль ойида эълон қилинган жаҳон мамлакатларидаги матбуот эркинлигини баҳоловчи навбатдаги йиллик ҳисоботида ҳам Муҳаммад Бекжон тақдирини ташвиш билдирган.

Чегара билмас мухбирлар ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича бўлими раҳбари Йохан Биҳр “Ўзбекистонда камида 10 журналист ҳамон қамоқда қолмоқда. Тўрт нафари журналистик фаолияти учун қамоқда азоб чекоқда, қолгани инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиб чиққани учун қамалган. Қамоқда қолаётган журналистларнинг бири Муҳаммад Бекжон”, деб билдирган.

Муҳаммад Бекжон 2013 йилда Чегара билмас мухбирлар ташкилотининг Матбуот эркинлиги мукофоти билан тақдирланган эди.

Халқроқ ташкилотлар Ўзбекистонни сўз эркинлиги бўғилаётган мамлакатлар рўйхатиға киритиб келади. Чегара билмас мухбирлар ташкилотининг 180 мамлакатдаги вазиятға баҳо берилган ҳисоботида Ўзбекистон сўз эркинлиги борасида ўтган йилға нисбатан икки поғона пастлаб, 166-ўринни эгаллагани қайд этилади.

Ўтган йили Ўзбекистон бу рейтингда 164-ўринни эгаллаб турганди, ундан аввалги йили эса 157-ўринда эди.

Манба: ozodlik.org



Etiketler :



1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20

Хабарға ўз изоҳингизни қолдиринг

Исмингиз \_\_\_\_\_ изоҳингизни шу ерга ёзишингиз мумкин...

Электрон почтангиз \_\_\_\_\_

Изоҳни жўнатиш

### Сўнгги хабарлар



Бечора ўзбекининг орзуси - арзон қозоқ бозориг...

Сурат Икромов: ЎзА агентлиги томонидан ёзи...

Азиза Аҳмедова - бизни яна қачонгача қийнаш...

Диндорларни оммавий тарзда ҳибса олиш дав...

Икки Усмон Ҳақназар эмас, икки Бобомурод А...

Қирғиз чегарасида зўравонлик давом этмоқда



Мирзиёевнинг кўзини бўяган МХХ

Ўзбекистон ташқи сийёсатини Кремль белгила...

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида диндор...

Вазир муовини илк бор ҳуқуқ ҳимоячилари би...


### Ўқшаш хабарлар



### Рукнлар

Долзарб	Хабарлар	Дин
Сийёсат	Иқтисод	Минтақа
Жамият	Инсон ҳуқуқлари	Муҳожирлар
Мулоҳаза	Таҳлил	Мулоқот
Маданият	Тасаввуф	Тарих
Адабиёт	Шеърлар	Публицистика
Нашида	Ҳажв	Ҳаётий ҳикоялар
Мозийдан садо	Пайгамбарлар тарихи	Буюқлар бисотидан
Туркистон жадидлари	Китоблар	Эркин юрт газетаси
TurkistonTV	Radio	Биз ҳақимизда
Баёнотлар	Ҳужжатлар	Йўлнома
Туркистон шуури	Муҳаммад Солиҳ ҳаётидан	Видео
	Махдумули сониялар	Абдурауф Фитрат
Махдумхўжа Бехбудий	Алихонтўра Соғуний	Аъзам Ҳошимий Муҳаммад Солиҳ
Ойдин Солиҳ	Ислом Холбой	Эргаш Сулаймон
Усмон Ҳақназаров	Абдуллоҳ Нусрат	Сафо Урганжи
	Нуруллоҳ	Бек Мурод
	Муҳаммад Рауфхон	Комил Утар

### UZBEKFM RADIO



- Мамадали Маҳмуд (Эврил Тур...
- Каримовдан бошқа барча ном...
- Ислом Каримовни давлатиш ...
- Меҳнат муҳожириларида Қозоғ...
- Мусулмонлар Москвада Путин...
- Виртуал сйлос ва болалар ўй...
- ЎХХ сайтини таъмирлаш ишла...
- Милицияға ишға кириш орзус...

E-mail киритинг \_\_\_\_\_  
 Обуна бўлиш